

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ШОДИЕВ ИБРОҲИМ МАЖИДОВИЧ

ЎЗБЕК ТИЛИДА МАТННИНГ ТИПОЛОГИК ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Шодиев Иброҳим Мажидович

Ўзбек тилида матннинг типологик тадқиқи 3

Шодиев Иброҳим Мажидович

Типологическое исследование текста в узбекском языке..... 25

Shodiev Ibrohim Majidovich

Typological research of text in uzbek language..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 51

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ШОДИЕВ ИБРОҲИМ МАЖИДОВИЧ

ЎЗБЕК ТИЛИДА МАТННИНГ ТИПОЛОГИК ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2020.3.PhD/Fil.1331 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.samdu.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Пардаев Азамат Бахронович филология фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Хайруллаев Хуршид Зайниевич филология фанлари доктори, доцент Юлдашев Маъруфжон Муҳаммаджонович, филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Муҳиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

И.И.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

А.Э.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида матннинг когнитив-семантик хусусиятлари, бирликлари ва матн таркибий қисмлари, боғловчи воситалари, тил ва нутқ тизимида тутган ўрни, лисоний хусусиятлари, турлари ва таснифи, матннинг лингвопоэтик, лингвостилистик, социолингвистик, лингвокультурологик, прагмалингвистик, психоллингвистик ва когнитив таҳлили бўйича фундаментал тадқиқотлар яратилган. Матннинг фонетик, лексик, морфологик, синтактик жиҳатлари, парадигматик, синтагматик муносабатлар борасида ҳам кўплаб ишлар қилинган. Матннинг эстетик жиҳосини кўрсатиш, услубий хоslанишини тўла англатиш, тилнинг бой имкониятларини юзага чиқаришдаги аҳамиятини кўрсатиш, матннинг моҳиятини, унинг юзага келиш сабабларини тадқиқ этиш тилшуносликнинг муҳим вазифалари сирасида қаралади.

Жаҳон тилшунослигида матннинг системавий табиатини категориал ўрганиш, типологик таснифлаш ва коммуникатив жиҳатларини тадқиқ қилиш тил тараққиётини белгиловчи муҳим омил саналади. Матнни типологик нуқтаи назардан ўрганиш тилшуносликнинг семиотика, прагмалингвистика, социология, психоллингвистика, стилистика, нутқ маданияти соҳалари учун ҳам муҳимдир. Бинобарин, матнни типологик таснифлаш, матн типларини тўла белгилаш, уни мазмуний ва психологик нуқтаи назардан тавсифлаш, оғзаки ва ёзма матнларга ажратиш, ушбу нутқий шаклларнинг ҳар бирига кирувчи типларини, уларни ҳосил қилувчи лисоний ва нолисоний воситаларни фарқлаш ўз навбатида, бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбек адабий тилининг ривожланиши ва тараққиёти даставвал, унинг лексикасида, терминологик тизимида акс этган. Бу эса тил тараққиётидаги энг муҳим восита – тил элементлари йиғиндиси ҳосиласи сифатида мавжуд бўлган матн тараққиётига ҳам ўзининг таъсирини ўтказган. Матн муаммоси ўзбек тилшунослигида, асосан, тавсифий усулда, синтактик сатҳ масалалари билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. Матннинг моҳиятини чуқур ўрганиш, уни эндиликда когнитив тилшунослик, тилшунослик ва прагмалингвистика муаммолари билан боғлаган ҳолда тадқиқ қилиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. “Ҳозирги кунда ўзбек тили ҳаётимизнинг барча жабҳаларида – давлат ва жамият бошқаруви, давлатлараро муносабатлар, илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида фаол қўлланилмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда”¹. Бинобарин, ўзбек тилшунослигида шу пайтгача кўпроқ бадий матн тадқиқ қилинган бўлсада, матннинг моҳиятини, матн билан боғлиқ муаммоларини тўлиқ тасаввур қилиш учун унинг типологик жиҳатдан тадқиқ қилиш масаласининг кун тартибига қўйилмаганлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

¹ uza.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги ПҚ-4479-сон Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789 сонли Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сонли Фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Матннинг лингвистик хусусиятлари бўйича тадқиқотлар ғарб тилшунослигида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб юзага келган бўлсада, матн муаммосини тадқиқ қилиш ва матн тилшунослиги масалалари анча қадимий ҳисобланади. Бу борада кўплаб Европа тилшунослари, айниқса, рус тилшунослари самарали ишлар бажарган. Матннинг қабул қилиниши, яъни, матн орқали информациянинг қабул қилинишида реципиентнинг роли масалаларини Н.Жинкин, Ю.Сорокин, А.Новиков кабилар ўрганишган¹. Матннинг яратилишида психолингвистик модел ва унинг асосий хусусиятлари бўйича рус психолингвистлари Д.Виготский, Н.Бернштейн, А.Лурия, А.Леонтьев, Т.Наумова, А.Шахназарович, Т.Дридзе, В.Нишановлар фундаментал тадқиқотлар яратган².

Ўзбек тилшунослигида матн ҳодисаси А.Мамажонов, А.Нурмонов, М.Мукаррамов, Н.Маҳмудов, Б.Йўлдошев, Н.Турниёзов, Ш.Искандарова, И.Мирзаев, И.Ҳожалиев, С.Мусахўжаев, М.Тўқсонов, М.Ҳакимов,

¹ Жинкин Н.И. Речь как проводник информации. – М., 1982; Сорокин Ю.А. Взаимодействие вне реципиента и текста. – М., 1978; Шу муаллиф. Текст: цельность, связанность, эмотивность // Аспекты общей и частной лингвистической теории текста. – М., 1982; Шу муаллиф. Психолингвистический аспект изучения текста. – М., 1985; Новиков А.И. Лингвистические и экстралингвистические элементы семантики текста. – М., 1982.

² Виготский Л.С. Мышление и речь. – М., 1934; Виготский Л.С. Избранные психологические исследования. – М., 1956; Лурия А.Р. Высшие корковые функции человека. – М., 1969; Ўша муаллиф. Эволюционное введение в психологию. – М., 1975; Ўша муаллиф. Язык и сознание. – М., 1979; Леонтьев А.А. Психолингвистика. – М., 1967; Ўша муаллиф. Психолингвистические единицы и порождение речевого высказывания. – С., 1989; Дридзе Т.М. Текст как иерархия коммуникативных программ // Смысловые восприятия речевого общения. – М., 1976; Ўша муаллиф. Интерпретационные характеристики и классификации текстов. – М., 1976; Нишанов В.К. Системный анализ понимание текстов. – М., 1985.

М.Абдупаттоев, М.Йўлдошев, С.Боймирзаева, Х.Хайруллаевлар томонидан тавсифий ва услубий нуқтаи назардан маълум даражада тадқиқ қилинган. Қайд қилинган мавжуд ютуқларга қарамасдан, ўзбек тилшунослигида матн тилшунослиги етарли даражада ривож топганича йўқ ва унинг кўпгина назарий, амалий муаммолари махсус тадқиқотларни талаб қилади. Мана шундай муаммолардан бири матнларни типологик таснифлаш ва буни назарий планда тадқиқ этиш ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Навоий давлат педагогика институтининг “Ўзбек тилшунослигининг назарий ва амалий масалалари” мавзусидаги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилида матнни типологик таснифлаш ва матн тилшунослигини коммуникатив тилшунослик соҳалари билан алоқадор томонларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек тилшунослигида матннинг лисоний хусусиятларига оид ишларни таҳлил қилиш;

матннинг таърифи ва лисоний бирлигини аниқлаш масалаларини тадқиқ қилиш;

матн тилшунослигининг асосий параметрини белгиловчи омилларни ўрганиш ва уларнинг илмий тавсифини бериш;

матнни ташкил этувчи лисоний бирликларни аниқлаш;

матнларда учрайдиган синтактик боғланиш воситаларини тавсифлаш;

тил бирлиги сифатида матннинг бошқа тил бирликларига муносабатини ўрганиш;

матн турлари ва типологиясини формал-грамматик, психолингвистик, мантиқий-когнитив ва прагматик аспектлардаги хусусиятларига кўра тавсифлаш;

С-модел бўйича матн таркиби ва типологиясини аниқлаш;

матндаги эксплицит ва имплицит боғланиш турларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳозирги ўзбек адабий тилида коммуникатив тилшунослик бўйича яратилган барча назарий тадқиқотлар, функционал-семантик хусусиятидан қатъи назар, матнларнинг структураси, уни ташкил этувчи бирликлар, матнлар типологиясига хизмат қилувчи барча турдаги ўзбекча матнлар, макро ва микро матнлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек тилида матннинг типологик ва коммуникатив хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Мавзуни ёритишда тавсифий, семантик, семиологик, қиёсий, структур-формал, статистик, коммуникатив, прагматик, когнитив, психолингвистик, социолингвистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбек тилшунослигида матн муаммоси шу пайтгача асосан тавсифий усулда, синтактик сатҳ масалалари билан боғлиқ жиҳатлари ёритилган бўлиб, матннинг моҳиятини чуқур англаш учун назарий хусусиятлари очиб берилган;

матнни типологик таснифлаш орқали оғзаки ва ёзма матнлар ажратилган, ушбу нутқий шаклларнинг ҳар бирига кирувчи матн типларини, уларни ҳосил қилувчи лисоний ва нолисоний воситаларнинг фарқлари аниқланган;

матн типлари тўла белгиланиб, унинг психолингвистик, лингвокультурологик, когнитив ва прагмалингвистик таснифи аниқланган;

матнни типологик таснифлаш муайян тилнинг тараққий этиш йўллари ва коммуникативлик кўламини белгиловчи муҳим омил эканлиги далилланган;

матнни типологик таснифи ўзбек тилшунослигининг семиотика, прагмалингвистика, социология, психолингвистика, стилистика, нутқ маданияти соҳалари учун ҳам муҳимлиги исботланган.

матнни типологик таснифлашда ва матн таърифини белгилашда С-модел асосидаги таҳлиллар дастлабки изланишлар эканлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

матнни таснифлашнинг амалиётга жорий этилиши ўзбек тилшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши; матн тилшунослиги, стилистика, прагмалингвистика, лингвокультурология, тилшунослик назарияси каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

тадқиқотнинг илмий-назарий натижалари асосида ўзбек тили бўйича тайёрланаётган магистратура мутахассисликлари учун “Матн тилшунослиги” номли дарслик яратишга мазкур материаллар тўлиғича асос бўлиши далилланган;

Матн тилшунослигининг изоҳли, терминологик луғатларини тузишда ушбу ишда ишлатилган терминлар асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Айниқса, фреймлар, тезаурус типигаги терминларнинг тадқиқот объектига киритилгани бу мавзудаги ишларни кейинчалик кенгайтириш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, чиқарилган хулосаларнинг тавсифий, семантик, семиологик, қиёсий, структур-формал, коммуникатив, прагматик, когнитив, психолингвистик, социолингвистик таҳлил усуллари ёрдамида асослангани, терминларга баҳо беришда ишончли назарий манбалардан фойдаланилгани олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, жаҳон тилшунослигининг энг янги илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилининг матн билан боғлиқ

лингвистик назарий масалалари очиб берилгани, мазкур ҳодисанинг юз бериш жараёни, унда тил материалларининг иштироки, матннинг вужудга келиш омиллари аниқланганлиги, нутқ жараёнидаги бошқа лингвистик ҳодисалар билан қиёсланган ҳолда таҳлил этилганлиги, ўзбек тилшунослигида матн муаммосини яна чуқурроқ таҳлил қилишга назарий асос бўлиши ҳамда ўзбек тили матн тилшунослигининг ривожланишига сезиларли таъсир ўтказиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, матн борасида баён қилинган фикр-мулоҳазалар ва олинган илмий хулосаларидан, таҳлил усулларида ўзбек тилшунослигининг ҳозирда долзарб муаммоси бўлмиш ўзбек матншунослиги тадқиқотларида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижалари ишнинг социолингвистика, психолингвистика, нутқшунослик, нутқ маданияти ва стилистика соҳалари учун ҳам қимматлидир. Ишнинг назарий таҳлил материалларидан олий ўқув юртлари филология факультетларида махсус курслар ўқиш ва семинарлар ўтказишда, шунингдек, матншуносликдан дарслик ва қўлланмалар ёзишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилида матннинг типологик хусусиятларини очиб бериш жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

матн типлари, уларни ҳосил қилувчи лисоний ва нолисоний воситаларнинг фарқларини аниқлаш, фольклор матнларнинг тараққий этиш йўллари белгилашга оид хулосалардан ХТ-Ф-2-004-рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” (2008-2010) номли фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 августдаги 89-03-2874-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари асар матнини таҳлил қилишда ўқувчиларнинг мустақил фикрлашга доир билимларини оширишга хизмат қилган;

матндаги эксплицит ва имплицит боғланиш турларини ўрганишга оид хулосалардан 2012-2014 йилларда бажарилган А1-ХТ-0-92997-рақамли “Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий қадриятлар уйғунлиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муаммолари” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 сентябрдаги 89-03-3074-сон маълумотномаси). Натижада ёшларга умуминсоний ва миллий қадриятларни сингдиришга йўналтирилган матнларнинг коммуникативлигини таъминловчи асосий параметрларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

матнни типологик таснифлаш орқали муайян тилнинг тараққий этиш йўллари белгиловчи прагматик, когнитив, психолингвистик, социолингвистик усулларни қўллаш бўйича олинган хулосалардан 2013-2014 йилларда бажарилган И1-ХТ-0-17222 рақамли “Қорақалпоқ миллий менталитетини ўқувчи ёшларга сингдиришда халқ педагогикаси имкониятларидан фойдаланиш” мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 сентябрдаги 89-03-3074-сон маълумотномаси). Натижада муайян халқ

менталитетини шаклланишида, шу халқ руҳиятини белгиловчи матнларнинг коммуникативлик даражасини аниқлашга хизмат қилган;

Ўзбек тилида матннинг типологик ва коммуникатив хусусиятларини очиб беришда “Тил – миллат кўзгуси”, “Қадрият”, “Дахлдорлик туйғуси” кўрсатувлари ҳамда “Долзарб мавзу”, “Муносабат” эшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Навоий вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 30 июлдаги 01-02/180-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ва долзарблиги илмий-амалий аҳамият касб этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 5 та республика ва 2 та халқаро конференцияда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий мақола нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 148 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, илмий тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, объекти ва предмети, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, жорий қилиниши, апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ўзбек тилшунослигида матннинг лингвистик асослари**” деб номланган. Бобнинг “*Ўзбек тилшунослигида матннинг ўрганилиши ҳолати ва назарий асослари*” номли биринчи бўлимида матн тушунчасининг илмий муаммо сифатида тадқиқ қилишнинг сабаблари ёритилган. Матн типлари, уларнинг лисоний хусусиятларига кўра таснифлари, турли матнларнинг ўзига хос белгилари, ўзаро яқинлиги ва фарқлари, уларни белгилаш ва чегаралашнинг назарий асослари ва усулларини ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланган. Бинобарин, “Матннинг илмий тадқиқ объектига айланиши, сўзсиз, тилшунослик фанининг айрим

доимий муаммолари ечимини жадаллаштирди”¹. Шу нуктаи назардан, тадқиқотда матн тушунчаси ва типологиясига назарий аспектда ёндашилган. Матн тилшунослиги ўзбек филологиясининг алоҳида тармоғи сифатида шакллана бошлаганига унча кўп бўлгани йўқ. Шу давр ичида ушбу соҳага оид илмий тадқиқотлар, илмий-дидактик манбалар яратилди. Ҳар қандай матн лингвистик таҳлил объектига киритилар экан, у фақат тилшуносликнинг айрим элементлари асосида таҳлил қилинмасдан, балки темпорал хусусиятига кўра ҳам таҳлил этилиши лозим. Бинобарин, ўзбек тилшунослигида келгусида матннинг коммуникатив, когнитив, лингвокультурологик, прагмалингвистик, психоллингвистик, этнолингвистик, социоллингвистик хусусиятларига оид кўплаб тадқиқотлар яратилиши зарур.

Бобнинг “*Матннинг тузилиши ва таркиби*” номли иккинчи бўлимида матннинг назарий асослари, матнни ташкил этувчи бирликлар, матн таркиби хусусида сўз юритилган. Ваҳоланки, матн тўғрисида кўп гапирилгани билан айнан матннинг асосий белги ва хусусиятлари тилшуносликда ҳали тўлиқ очиб берилмаган, дейиш қийин. Бунинг бир қанча объектив сабаблари бор.

Биринчидан, ўзбек тилшунослигида лексик бирликдан то гапгача бўлган бирликларнинг структуравий, семантик ва прагматик аспекти ўзаро боғлиқликда ўрганилмади. Бунга шўро даврида структурализм, концептуализм, прагматизм, логик позитивизм каби назарияларнинг ғайриилмий, яъни сохталаштириб кўрсатилиши сабаб бўлди. Натижада структуравий бирликларнинг ўзаро боғланишини, яъни, уларнинг парадигматик ва синтагматик бирикувчанлик хусусиятларини ўрганиш мумкин бўлмади. Ф.де Соссюр таълимотининг сайқаллаштирилган айрим хусусиятларигагина диққат қилинди, холос. Мантиқ фанининг семантика фани билан уйғунлашадиган жуда муҳим аспекти ўрганилмади. Натижада мантиқий семантика муаммоси деярли ўрганилмай келди. Ўзбек тилшунослигида мантиқий семантика соҳаси ҳамон эътибордан биров четда қолмоқда. Матннинг прагматик аспекти борасида ҳам, баъзи ишларни истисно қилганда², фундаментал тадқиқотлар етарли эмас. Вербал асосда ва тил унсурлари асосида ахборот беришга хизмат қилувчи кодлаштирилган матн таркиби ва тизими ҳақидаги ноаниқликлар прагматик матн хусусиятларининг ҳам етарли ўрганилмаганлигидан далолат беради.

Иккинчидан, ўзбек тилшунослигида матн лингвистикаси деб номланган соҳага кам эътибор қилинди. Ҳолбуки, тил бирликлари ва тил сатҳлари орасидаги муносабатлар масаласининг семантик хусусиятлари лингвистик семантика фанига эътибор қилолмаганлиги ўзбек тилшунослигида матн лингвистикаси соҳасининг кам тадқиқ қилинишига олиб келади. Бу масала,

¹ Боймирзаева С. ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол. фан. д-ри дис. автореф.- Тошкент, 2010. –Б.4

² Сафаров Ш. Этносоциопрагматика речевого общения (принципы сопоставительно-типологического описания): Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Л., 1991. – 33 с.; Тоҳиров З.Т. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатнинг юзага келиши: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 1994. – 22 б.; Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Тошкент, 2001. – 49 б. Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентриқ талқини: Филол.фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2015. – 240 б.

яъни, матн турлари ва типологиясининг мукамал ўрганилиши эса ўзбек тилшунослигидаги муҳим бир бўшлиқни тўлдиради.

Биобарин, ўзбек тилшунослигидаги оғзаки ва ёзма нутқ типологияси, тил ва нутқ соҳасидаги тадқиқотларни матн йўналишига қўйилган ижобий қадам деб ҳисоблаб, семантик синтаксис соҳасидаги тавсифий тадқиқотларни¹ назарий² матн структураси ва системасидаги асосий таянч тадқиқотлар деб ҳисоблаймиз. Матн тилшунослиги соҳасидаги тадқиқотларни асосан қуйидаги йўналишларда тавсифлаш мақсадга мувофиқдир:

1. Матн асосан борлиқ ва унинг хусусиятлари, улардаги ижтимоий-сиёсий, илмий-дидактик ва бошқа техникавий масалаларни акс эттирувчи вербал имконияти (ахборот бериш ва ахборот олиш) эга бўлган масалаларни ўзида мужассамлаштиради.

2. Воқелик билан матн ўртасида *акс эттириши жараёни* ётади. Бу жараён ўзида логик ва эмоционал (матн турига қараб) воқеликнинг асосий интерпретациясини беради. Муаллифнинг дунёқараши матнда акс этади. Бу эса матннинг ғоявий йўналишини белгилайди. Матннинг услубий-коннотатив мазмуни муаллифнинг дунёни ҳис этиш жараёнидаги инъикос ҳисобланиб, *мантиқий ва эмоционал доминант*ни ташкил этади. Бу эса оламнинг лисоний манзарасини мужассамлаштиради. Ҳар қандай матн ахборот бериш ва вербал хусусиятига кўра бир турли эмас, бир неча турли бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда матн типологик таснифланганда, уларнинг турларини мантиқий-композицион ҳамда эмоционал-стилистик хусусиятларига қараб белгилаймиз. Назаримизда, бу етарли эмасга ўхшайди. Тўғри, ўзбек тилшунослигида матн типологиясига оид тадқиқотлар олиб борилмаган бўлса-да, матнни ташкил этувчи бирликлар, бу бирликларнинг муаллиф томонидан ишлатилиши ҳақида маълумотлар илмий асосда тавсифланган. Лекин матн типологияси тадқиқида матннинг юқоридаги айтилган мантиқий-композицион ва стилистик-эмоционал хусусиятларига қараб таснифланишини илмий жиҳатдан ўрганган манбаларга қараб такомилга етди, дейишимиз мумкин. Лекин матнни яратувчи муаллифнинг матн тузилишидаги иштироки эътиборга олинмай келинади. Фразеологияга

¹ Ниязов Д.М. Интонация повествования в современном узбекском языке: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969. – 31 с.; Хелдарова С.М. Семантико-структурные особенности диалогической речи в современном узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1974. – 20 с.; Хайруллаев Х. Сўз, сўз бирикмаси ва гапнинг предикативлик муносабати: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 2001. – 22 б.; Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиқлар прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 24 б.; Лутфуллаева Д. Тасдиқ гапларда инкор ва шаклий-мазмуний номувофиқлик: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 1997. – 24 б.; Базаров О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив (актуал) тузилиши: Филол. фан. номз... дис. автореф. – Фарғона, 2004. – 21 б.; Усмонова Х. Ўзбек тилидаги гап бўлақларининг позицион структураси: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Тошкент, 2009. – 32 б. ва б.

² Нурмонов А., Махмудов Н., Ахмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – 292 б.; Махмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларнинг семантик-синтактик асимметрияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 146 б.; Бердиалиев А. Эргашган гап конструкцияларида семантик-сигнификатив парадигматика. – Тошкент: Фан, 1989. – 107 б.; Нурманов А.Н. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. – Ташкент: Фан, 1982. – 152 с.; Ўша муаллиф. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. – Тошкент, 1988. – Б. 39 ва б.

оид айрим тадқиқотларда (Б.Йўлдошев, А.Маматов, У.Рашидова, Б.Болтаева) муаллифлик индивидуализми ҳақида фикр юритилади. Бадиий матн яратувчиси (аниқроғи, бадиий асар яратувчи адиб (муаллиф)нинг кўпгина ҳолларда роли, ўрни эътиборга олинмайди. Бу масаланинг моҳиятини очишда матн ташкил этилишида психолингвистик имкониятлар етарли ўрганилмаганлигидан деб биламиз. Негаки, лексик-семантик, фразеологик-коннотатив йўналишлардаги тадқиқотларда шунингдек, бадиий асар интерпретациясига оид филологик тадқиқотларда муаллиф индивидуализми ҳақида гап борганда, умуман матн тадқиқида муаллиф роли унчалик кўринмайди. Матнлар тадқиқи кўрсатишича, ҳар қандай матн тури муаллиф нуқтаи назаридан ҳам тавсиф этилиши лозимлигини тақозо қилади.

3. Матннинг синтагматик равишда кенгайишида, сўз ва ибора танлаш усулида ҳам муаллиф индивидуализми яққол кўзга ташланади. Муаллиф ўз билими ва эътиқоди билан тўплаган, уни ўраб турган борлиқ ҳақидаги маълумотларини бир тизим асосида матн орқали намоён этади. Лекин матн яратувчисининг дунё ҳақидаги маълумотлари қабул қилувчи томонидан тўлиқ қабул қилиниши жуда мушкул масала.

4. Матнни ўқиб, қабул қилиш, унда муаллиф томонидан берилган ахборотлар ва маълумотларнинг интерпретацияси қабул қилувчи томонидан муаллиф даражасида бўлмаслиги эҳтимол. Чунки муаллиф ва тингловчи (ўқувчи) муаллиф дунёқараши билан тенг бўлмаслиги мумкин. Бу ҳам бир қанча омилларга боғлиқ. Дунё ҳақидаги маълумотларни қабул қилиш ва билим олиш жараёни барча жойда ҳар хил. Улар дидактик жиҳатдан бир хил мукамалликда берилгани билан, ўзлаштирувчининг қобилияти ҳар хил бўлади.

Матн тилшунослигининг шаклланишидаги энг асосий таянч матннинг типологик таснифи бўлиб, матнларнинг турларига қараб тингловчиларнинг хусусиятларига ҳам эътибор қаратишимиз лозим. Тингловчи (ўқувчи), юқорида қайд этилганидек, муаллиф даражасидаги билимга эга бўлмаслиги, матн типологик таснифи аниқ белгиланиши, мазкур матн қайси тоифадаги ўқувчиларга тавсия этилиши ҳам ушбу тадқиқотда эътиборга олинди.

Матн тилшунослигининг назарий масалаларини тавсифлашдаги яна бир муаммоли масала матннинг бирлиги, яъни матнни қандай лисоний ва нолисоний бирликлар ташкил этиши масаласидир. Матннинг тил бирлиги тадқиқотларда ифода қобиғи, мазмуни (семантикаси) ва грамматик хусусиятига ажратилади. *Ифода қобиғи* деганда, матнларнинг товушлардан ташкил топган бўлиши (ёзма матнда бу ҳарфлар ёрдамида ифода қилинади, оғзаки матнда эса бу эшитиш органи орқали қабул қилинадиган товуш тўлқинларидир) ва маълум мелодик оҳанг тузилиши тушунилади. *Матннинг мазмуни* деганда ҳар қандай матн асосида ётган ахборот тушунилади. Матннинг назарда тутилган бу икки томони бир-бири билан узвий боғланган, бири иккинчисини доимо тақозо этади, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Матн товушларининг танланиши, товушларнинг миқдор кўрсаткичи, мусиқавий ифодаси матннинг маъноси билан белгиланади.

Тилнинг энг йирик бирлиги бўлмиш матнда, табиий равишда, унинг бошқа бирликлари маъно талабига кўра кетма-кетлик тамойили асосида намоён бўлади. Бу бирликлар фонетик, грамматик ва семантик дистрибуция қоидаларига кўра бир-бири билан боғланади.

Матннинг бутунлигини таъминлаб турган нарса унинг асосида ётган асосий ғоядир. Буни биз *макромавзу* деб белгилашимиз мумкин. *Макромавзулар* бир қанча *микромавзулардан* ташкил топган бўлиб, бу микромавзулар гаплар ёки уларнинг бирикмаси орқали ифода этилади. Микромавзулар матннинг асосий ғояси орқали бир-бирига ўзаро боғланган бўлади. Мавзулар орасидаги муносабат бир хил эмас. Тилшунос олимларнинг фикрига қараганда, матнни ташкил этувчи бирликлар орасидаги боғланиш пресуппозиция ва импликация каби муносабатлар орқали амалга оширилади. Бу тушунчалар ўзаро боғлиқдир¹.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Матннинг типологик таснифи**” деб номланади. Бобнинг “*Матн типологиясига доир*” номли биринчи бўлимида матн типологияси хусусида сўз юритилган. Матн типологик таснифи мураккаб масалалардан бири бўлиб, М.Равшанов инглиз логик ва файласуфлари Остин ва Сёрлларнинг фикрига таяниб, нутқ типологияси ҳақида қуйидаги маълумотни беради: 1. Репрезентатив 2. Директив (буйруқ ва фармойишлар). 3. Ижтимоий этикет мажбуриятлари. 4. Ижтимоий этикет формуллари (раҳматнома эълон қилиш, кечирим (узр) сўраш каби). 5. Декларация (Бирор йиғинни очик ёки ёпиқ деб эълон қилиш). Бу матн типологияси М.Равшанов томонидан информатив йўналишдаги типология тарзида тавсиф этилади.² Матн ёки нутқ типологиясининг ноинформатив хусусиятига кўра тавсифланадиган турлари борлигини ҳам олим алоҳида кўрсатиб ўтган. Ноинформатив нутқ фаолияти ҳам ўз навбатида ўзаро мулоқот, эмоционал ва субъектив баҳо³ формалари каби йўналишларга бўлинади.

Матн турлари нафақат тилшуносликда, балки ижтимоий йўналишдаги, илмий-техникавий, бадий-эстетик, публицистик, фольклор ва бошқа нутқий манбаларда барча олимлар томонидан типологик гуруҳларга ажратилиб таснифланмоқда. Кўпгина тилшунослар матнни типологик таснифлашда асосий эътиборни функционал услуб кўринишларига қараб белгилашни тавсия этадилар. Лингвопсихолог Л.Виготский эса матн типологиясини лингвопсихологик нуқтаи назардан, яъни нутқнинг яратилиши ҳамда нутқнинг адресатга етказилиши асосида типологиялаштиришни тавсия этади. Тўғри, юқорида қайд этганимиздек, матн типологиясини функционал услуб жанрлари нуқтаи назаридан тавсифлаш айрим матн типологияси ҳамда матн жанрларининг янги бир турларини аниқлашга имкон беради. В.Кузнецов француз тили материаллари асосида илмий услубни ҳам жанрларга бўлишни

¹ Новиков А.И. Семантика текста. – М., 1983. – С. 214.

² Равшанов М. Лингвистик семантика асослари. – Тошкент, 2003. – Б. 26.

³ Жуманиёзов Р. Нутқий маҳорат. – Тошкент: Адолат, 2005. – Б. 92.

тавсиф этади¹. Унинг фикрича, илмий матнлар типологиясида асосий уч ҳолат мавжуд бўлади. Масалан, унинг фикрича, илмий услубнинг академик йўналишидаги типологик хусусиятлари бўйича ёзилган диссертация, монография, илмий мақолалар (микро ва макро семантик майдонлар доирасида) бир туркумни ташкил этади.

Тилшунос Ю.В.Рожественский матн типологиясига бошқача нуқтаи назардан ёндашади. У матнларни тўртта катта гуруҳга ажратади: оғзаки, ёзма (қўлёзма) матнлар, босма ва оммавий коммуникацияга оид матнлар².

М.Йўлдошев матнлар типологиясига тўхталар экан, ахборотни узатиш воситаси (канал) тилдир, шунга кўра матннинг оғзаки ва ёзма шакллари фарқлаш лозим, деб ҳисоблайди. Муаллиф фикрича, коммуникация жараёнида берилаётган ахборотнинг ҳажми ҳам матн типологиясига асос қилиб олиниши лозим ва шу асосда: 1) минимал (ёки миниматн) ва 2) максимал (ёки максиматн)ни белгилаш мумкин³.

М.Йўлдошев матн типологиясида функционал услублардан келиб чиқиш лозим, деб билади ва қуйидаги хулосага келади: “Ана шунга кўра матнларни қуйидагича типологик тасниф қилиш мақсадга мувофиқ: 1) спонтан – сўзлашув матни (олдиндан тайёргарликсиз амалга оширилган оғзаки суҳбат); 2) расмий ҳужжат матни (қонун, фармон, қарор, буйруқ, маълумотнома, таржимаи ҳол каби); 3) илмий матн (монография, диссертация, илмий мақола, дарслик, ўқув қўлланмаси, тезис, маъруза каби); 4) публицистик матн (ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақолалар, очерк, газета материаллари каби); 5) бадий матн (роман, ҳикоя, шеър, дoston, пьеса каби)”⁴.

Оғзаки матнлар монолог, диалог ва полилог турларига ажратилади. Монолог – бир муаллиф томонидан баён этиладиган оғзаки матн тури. Монологлар асосан оғзаки матн турига кириб, нутқ ўстириш жараёнида етакчи ўринга эга. Диалоглар, маълумки, бир шахснинг нутқий ҳосиласи бўлмасдан, балки икки шахснинг нутқий ҳосиласи ҳисобланади. Ўзбек тилшунослигида диалогик ва монологик нутқларнинг матн нуқтаи назаридан фақат структуравий-формал кўрсаткичлари ўрганилган. Ҳозиргача бўлган лингвистик адабиётларда монолог ва диалогларнинг семантик-прагматик-хусусиятларига оид тадқиқотлар етарли эмас. Биз матнлар типологиясида ҳозирги давр тилшунослигида мавжуд нуқтаи назарларни синтез қилган ҳолда иш тутиб, оғзаки матннинг қуйидаги типларини ажратамиз:

Полилог матнлар. Полилог матнлар мазмуни нутқий вазият ва сўзловчининг мақсадига кўра турли мавзуларда бўлиши мумкин. Кўпнутқиликда қатнашаётган шахсларнинг нутқи бир мавзу атрофида, аммо турли услубда юзага чиқади. Бунда мулоқот жараёнида иккидан ортиқ шахс иштирок этади. Мулоқот жараёнида бошқа шахслар ҳам ўз фикри ва

¹ Кузнецов В.А. Текст – цельность, связность, эмотивность. – М.: Наука, 1982. – С.173.

² Рожественский Ю.В. Введение в общую филологию. – М., 1979. – С.

³ Йўлдошев М. Бадий матн лингвистикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.79.

⁴ Йўлдошев М. Кўрсатилган асар. – Б.87.

эътирозлари билан қатнашади. Матннинг мазмуни турли қарама-қарши мулоҳазалар, репликаларга жавоб тарзида ривожланиб, тўлишиб боради.

Фольклор матнлари. Фольклор асарлари ҳам моҳиятан оғзаки, овозли нутқдир. У оғзаки ижро этилади. Бу жиҳатдан оғзаки нутқ тизимига киради. Фольклор матнлари юқоридаги оғзаки матнлардан фарқ қилади. Улар оғзаки равишда ёд олиниб, ҳар бир жамият аъзоси томонидан амалга оширилиш имкониятига эга эмас.

Оғзаки матнларнинг яна бир тури **овоза** ёки **миш-мишлар**дир. Уларнинг яшовчанлиги бир-икки кун ёхуд бир ҳафтагача давом этиши мумкин. Овоза ёки миш-мишлар оғиздан-оғизга кўчиб, улар ҳам муайян ижтимоий буюртмани бажаради. Унда ҳам ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифодаловчи (ижобий ёки салбий оттенкада) ахборот ёки маълумотлар тўпланган бўлади. Овозалар ёки миш-мишлар асосидаги матнларнинг лингвопсихологик таҳлилида улар демографиянинг энг илғор қатлами бўлган хотин-қизлар орасида кўп учраши ва улар ўртасида яшовчанлиги ҳам кузатилади.

Ёзма матнлар. Ёзма матнлар, асосан, кўлёзма матнлар тилшунос Ю.В.Роджественскийнинг таснифига асосан тўрт хилдир. Улар эпиграфик, сфрагастик, нумизматик, палеографик матнлардир¹.

Эпиграфик матнлар асосан “эпиграф” сўзи маъносидан келиб чиқиб, турли-туман кўрсаткич – ёзма матнларни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонунининг² 22-моддаси талабларига кўра, эпиграфик матнлар фақат бир тилда – давлат тилида ёзилиши зарур.

Сфрагастик матнлар асосан муҳр ва бурчакли штампларга битилган матнлар ҳисобланади. Маълумки, муҳрлар бир неча аср муқаддам пайдо бўлган, унинг ўзига хос тарихи мавжуд.

Нумизматик матнларга пулларга битилган, пулларнинг қийматини кўрсатувчи сўзлар киради. *Бир сўм, уч доллар* кабилар. *Нумизматика* сўзининг ўзи ҳам *танга* демакдир³. Тилшунослик фани тангаларда босилган матнларнинг лисоний хусусиятлари билан қизиқади. Нумизматик матнлар сирасига пуллар ва уларнинг қиймати ифодаларидан ташқари, орден ва медалларнинг номлари, улардаги матнларнинг расмийлаштирилишлари ҳам киради. Масалан: “*Олтин юлдуз*” медали” 1994 йил 5 майда таъсис этилган; “*Мустақиллик*” ордени 1994 йил 5 майда таъсис этилган; “*Амир Темур*” ордени 1996 йил 16 апрелда таъсис этилган.

Нумизматик матнларнинг асосий хусусиятларидан яна бири – яратилган матнлар фақат шу матн яратилган вақтда бир марта ёзилади ва уни жамият аъзолари бир хилда тушунади. Ушбу матнларга жамият аъзолари томонидан ҳар хил ўзгаришлар киритиш, кўшимчалар билан тўлдириш кабилар амалга

¹ Рождественский Ю.В. Кўрсатилган асар. – Б.114.

² Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни // Маърифат. – Тошкент, 1995. – 21 декабрь.

³ Нумизматика // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2003. – Б.411; Нумизматика Узбекистана. – Ташкент, 1990.

оширилмайди. Шунга кўра, бу матн туридаги ёзувлар бир марталик ёзувлар деб юритилади. Нумизматик матнлар фақат синхрон планда эмас, балки уларнинг тарихи билан боғлиқ диахрон планда ҳам ўрганилиши мумкин¹.

Нумизматика матнлари тўғри, қисқа, лўнда хабарлар ташийди. Аммо мана шу қисқа хабарларнинг ҳам ўз тарихи, этнографияси, археологияси, маданият тарихи мавжуд бўлиб, булар тилшунослик учун ҳам ғоят қимматлидир.

Палеографик матнлар қўлёзма матнларнинг асосий тури бўлиб, жамиятнинг маданий нормативларини (меъёрларини) белгилайди. Палеографик матнлар мактуб, ҳужжат ва ижодий асарларни қамраб олади. Мана шулардан бири *мактуб* (хат)дир. *Мактуб* ва *хат* сўзлари мазмунан яқин тушунчаларни ифодаласа-да, улар орасида маълум маъновий-услубий фарқ бор. Мактуб кўпроқ оилавий, дўстона ёзишмалар, интим маъноли матнларни ифодалайди. Мактубда яқинлик, дўстлик, севги-муҳаббатга оид мазмун-хабарлар акс этади. Хат баъзи ҳолларда мактуб маъносини ҳам ифодалаб, унга синоним бўла олади. Аммо хатда маълум даражада расмийлик, холисоналик маъноси мавжуд. Масалан:

“Эй, мени суюклу Камолим! Бу санго энг сўнгги ёзгон мактубим. Мундин сўнгги мактубни санго энди нариги дунёдин ёзурмен. Сенинг тарафингдан келгон қора хабарлар, ишқ-муҳаббат балоси мени жонимдан тўйғузди. Бу ёруғ дунёда турмоқдан қоронғу гўрга кирмоқни авло билдим. Бу мактубим орқасидан эшигинг ол(ди)дан суюкли Марямингни товутин ўтганин кўрурсан (Абдулла Авлоний. “Биз ва Сиз”).

Диссертацияда, шунингдек, палеографик матн турлари ҳисобланган *ахборот хати, даъво хати, илтимос хат, кафолат хати, сўров хат, эслатма хат* кабилар ҳам мисоллар асосида таҳлил этилган.

Дипломатик ва тижорат ёзишмалари ҳужжатлар турлари орасида энг ёши ва айни пайтда энг қадимийси ҳисобланади².

Юқорида келтирилган хат ва ҳужжатларнинг мақсад ва вазибалари, меъёрий талаблари ҳақидаги маълумотлар ҳамда улардан намуналар ўзбек тилида иш юритиш бўйича яратилган қўлланмаларда, бу соҳа терминологиясига оид изоҳли луғатларда мавжуд³. Ишда бу ҳужжатларга матншунослик нуқтаи назаридан умумий тарзда ёндашилган. Шу билан бирга расмий ҳужжатлар матни ва тил хусусиятларига оид баъзи томонларни қисқача баён қилишни лозим топамиз.

Республикаимиз мустақилликка эришгач, расмий иш юритиш ишлари давлат тили – ўзбек тилида олиб бориладиган бўлди ва бунинг меъёрий қўлланмаси яратилди⁴. Ушбу қўлланмада иш юритиш билан боғлиқ расмий

¹ Давыдович Е.А. История монетного дела Средней Азии XVII-XVIII вв. – Душанбе, 1964; Пидаев Ш.Р. Каталог древних монет Южного Узбекистана. – Ташкент, 1981 ва б.

² Юқорида келтирилган хатларнинг намуналари, ёзилиш қодалари ҳақида қаранг: Аминов М., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Маҳмудов Н. Иш юритиш. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2000. – Б. 43-314.

³ Аминов А., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Маҳмудов Н. Иш юритиш (Амалий қўлланма). – Тошкент: ЎЗМЭ, 2000. – Б. 43-345.

⁴ Аминов А. ва б. Кўрсатилган асар.

хужжатларнинг типлари, бу хужжатларнинг мазмун-моҳияти, шакли, тили олдига қўйиладиган талаблар атрофлича тавсифлаб берилган. Чунончи, иш юритиш хужжатлари ушбу қўлланмада 5 гуруҳга ажратиб таснифланган¹.

Матнларнинг тўртинчи тури – *оммавий мулоқот* воситасидир. Бу матнлар оммага етиб келишда махсус техник воситалар (радио, телевидение, кино жиҳозлари ва б.) ёки алоқа бўлимлари бўлиши шарт. Бу матнларни эшитиш ёки ўқитиш эркин бўлиб, у бошқа тур матнлардан содир бўлган воқеалар ва ҳодисаларни ифода қилиши билан фарқланади. Одатда, бу матнлар бир марта эълон қилингандан кейин қайта тикланмайди, қайта тикланадиган бўлса, унга янги қўшимча ахборот қўшилиши зарур.

Иккинчи бобнинг “*Матнларнинг психоллингвистик типологияси*” номли иккинчи бўлимида матннинг психоллингвистик таснифи хусусида сўз юритилган. Тадқиқотда матнлар психоллингвистик жиҳатдан оддий, ёрқин, фаол, содда, кувноқ, чиройли, ғамгин, ҳорғин матнларга ажратиблиб тасниф қилинган ва ушбу матнлар хусусиятлари мисоллар билан тавсифланган.

Диссертациянинг учинчи боби “Матннинг коммуникатив хусусиятлари” деб номланган. Бобнинг “*Лисоний фаолият ва унда тил-нутқ муносабати*” бўлимида Ф.де Соссюр *тил* тушунчасига *лисоний фаолият* тушунчаси тенг келмаслиги, *тил* лисоний фаолиятнинг энг муҳим қисми эканлиги таъкидланган. У лисоний фаолиятни тил ва нутққа бўлар экан, социалликни индивидуалликдан, умумийликни хусусийликдан, моҳиятни ҳодисадан фарқлайди. Ҳар қандай лисоний фаолият – бу тил системасининг бевосита кузатишда воқеланиши натижасида амалга ошади.

Тил инсоннинг фикрини шакллантирувчи, коммуникация жараёнини таъмин этувчи, объектив оламни билиш учун хизмат қилувчи қудратли воситадир. Шунинг учун у психик, физиологик ва физик жараёнлардан ташкил топган мураккаб тузилма саналади.

